



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 18-iyun, shanba,
70 (23.637)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Бахт бирор
нарсага
эмас, кўнгил
завқи ва дил
тасканига
эришишдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz



➔ **Ёшлар ойлиги**

Ургутдаги фестивалъ унутилмас бўлди

“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остидаги ёшлар фестивалининг навбатдагиси Ургут туманида ўтказилди. Бошқа туманлардагидек, эрта тондан юриш марафони билан бошланган фестивалъ туман истироҳат боғида маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, турли кўргазмалар билан давом этди.

АХМАД ХУДОЁРОВ 15 ЁШИДА 5 НАФАР ШОГИРД ТАЙЁРЛАДИ

Боғда ташкил этилган хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси бошқаларидан фарқ қилди. Сабаби, ургутлик хунармандлар аксарият маҳсулотларини шу ернинг ўзида тайёрлаб кўрсатди. Шунингдек, тадбир давомида маҳорат дарслари ташкил этилди.

Тумандаги 50-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Аҳмад Худоев, - дейди ёш хунарманд Аҳмад Худоев. - Тут, гилос, кўксултон, ўрик, анор, деворгул каби дарахт ҳамда буталар чивикларидан фойдаланиб, кушлар учун қафас, мева-сабзавот ва нон учун саватлар, беланчақлар ясайман. Бу хунарни дадамдан ўрганганман ва 10 ёшимдан бошлаб шуғулланиб келаман. Мактабдаги ўқитувчим Расул Маматовдан



МУАММОЛАР НУРОНИЙЛАР КЎМАГИДА ЕЧИЛЯПТИ

Туманда “Бир нуруний - ўн нафар ёшга мурабий” лойиҳаси асосида кўплаб муаммоларга ечим топиляпти. Ёшларга яқиндан кўмак бериб келаётган отахон ва онахонлар фестивалъ доирасидаги “Икки авлод учрашви” да фаол иштирок этди. Тумандаги 120 та маҳаллага обрў-эътиборга эга 167 нафар нуруний бириктирилган, - дейди туман маҳалла ва нурунийларни кўллаб-қувватлаш бўлими бош мутахассиси Рашид Тўраев. - Улар турли муаммолари мавжуд 1180 нафар ёшларга ўз маслаҳатларини беришмоқда. Ҳаётий тажрибага эга бўлган фидойи отахон ва онахонлар кўмагида 600 нафар йигит-қизнинг муаммосига ечим топилди. Фестивалъ доирасида тадбирлар

ДОРИНИМАДАН ТАЙЁРЛАНАДИ?

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, вилоят ҳоқимлиги ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан Жомбой туманидаги “SOF EXPO Samarqand” кўргазмалар мажмуасида доривор ўсимликлар маҳсулотларининг биринчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

“Абу Али ибн Сино мероси” деб номланган кўргазмада соҳа мутасаддилари, доривор ўсимликлар етиштирувчи ва уни қайта ишловчи юзга яқин маҳаллий тадбиркор ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Шунингдек, тадбирда Кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Халқ таботати ассоциацияси, Шарқ таботати институти вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда маҳаллий флорага мансуб ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 та тури фармацевтика sanoatida фаол қўлланиб келинади, - дейди Тошкент давлат аграр университети доривор ўсимликлар кафедраси

мудир Абдимўмин Ғаниев. - Юртимиз доривор ўсимликларга бой, афсуски, ундан унумли фойдалана олмасдик. Сабаби, тиббиётнинг бу йўналишига эътибор кам эди. Энди соҳага эътибор ошяпти. Лицензияли, малакали таботатчилар бемалол фаолият юритиши мумкин. Президентимиз томонидан имзоланган соҳага оид бир қатор фармон ва қарорлар юртимизда доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, шунингдек, уларнинг экспортини амалга оширишга кенг имконият яратди.

Ушбу кўргазмада доривор ўсимликларни етиштираётганлар, уни қайта ишлаётган фармацевтлар, таботатчилар, шифокорлар иштирок этяпти. Бу албатта, соҳанинг уйғун ривожланишига замин яратади. Биз молиявий фойда ҳақида гапиряпмиз, аслида унинг халқ саломатлигидаги ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмайди. Ўйлайманки, ушбу кўргазма мамлакатимизда таботат ривожига муҳим қадамлардан бири бўлди.

“Меҳригие” хусусий корхонаси яқинда халқаро “Organic” сертификатини олди. Ушбу корхона 45 турдаги доривор ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга

ихтисослашган.

Айни пайтда корхонада доривор ўсимликларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш асосида юздан зиёд шифобахш чой, шарбат ва асалли маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган, - дейди корхонанинг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари Элёр Турсунов. - Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар МДХ давлатларига экспорт қилиняпти. Келгусида Европа ва араб давлатларига ҳам маҳсулот сотишни режалаштирганмиз.

Таъкидлаш лозимки, жаҳонда ушбу соҳада мамлакатимизнинг салоҳияти юқори баҳоланади. Хусусан, 2021 йилда қизилмия экстракти айланмаси дунё бўйича 200 миллион долларни ташкил этиб, мамлакатимиз 31 миллион доллар экспорт қиймати билан биринчи ўрнини эгаллади.

Бугунги кунда доривор хомашёни қайта ишлаш энг даромадли соҳалардан бирига айланди. Шундан келиб чиқиб, эндиликда туманлар доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштирилади. 2026 йилгача 36 минг гектар майдонда янги доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилади.

Сулаймон МАРДИЕВ,
Алишер ИСРОИЛОВ (фото).

➔ Конституцияга таклиф

Мен таклифимни бердим,

СИЗ-ЧИ?

Конституцияни ислоҳ қилиш жараёнида жамиятнинг бир вакили сифатида мен ҳам иштирок этдим.

Дастлаб, бунинг йўлини излай бошладим ва taklif@meningkonstitutsiyam.uz, taklif@2022.uz, @meningkonstitutsiyam телеграм боти, “Meningkonstitutsiyam.uz” электрон платформаси ва 1341 қисқа рақамлари орқали таклиф қолдириш бўйича маълумотларни топдим.

Кейин ўз таклифимни бердим. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси IV боб 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги, пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам



бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”, деб белгиланган.

Мазкур моддадаги “тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан” деган сўзларнинг “энг кам истемол харажатларидан” дея ўзгартириш мақсадга мувофиқ, назаримда.

Сиз-чи, сиз қандай таклиф бердингиз?
Ғофуржон БОБОБЕКОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси мутахассиси.



Мактабда “Ватан таянчи” бўлади

Учқун САЪДУЛЛАЕВ,
вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 мартдаги “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан Республика Мудофаа вазирлиги ҳузурида “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати ташкил этилмоқда. Умумтаълим мактабларида таркиби 20 нафар бўлган 10, 11-синф ўқувчиларидан иборат “Ватан таянчи” отрядлари тузилади.

“Ватан таянчи” ҳаракати ёш авлодни Ватан тақдирига дахлдорлик, маънавий-ахлоқий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда қонунларимизга нисбатан юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш, эркин фикрлайдиган, билимли, мустақил қарор қабул қилишга қодир, мамлакатни, халқни ва ўз оиласининг фаровонлигини таъминлаш орузида бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялайди.

Янги ўқув йилидан бошлаб ҳаракат фаолиятида фаол иштирок этиб, мактабини аъло баҳолар билан тамомлаган ҳар бир отряднинг бир нафар аъзосига Мудофаа вазирлиги томонидан олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсиянома берилади.

Тегишли тавсияномаларга эга бўлган отряд аъзолари республика олий ҳарбий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра тўплаган балларининг 5 фоизи миқорида қўшимча балл шаклида имтиёзга эга бўлади. Берилган тавсияномалар уч йил мобайнида амал қилади.

БОЛАЛАРНИНГ ВАҚТИНИ ЎҒИРЛАМАЯПМИЗМИ?

➔ **Кун мавзуси**



Жорий йилги ёзги таътилда вилоятимизда 56 та кундузги оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилди. Мавсум якунигача уларда навбати билан 11 минг 370 нафар боланинг дам олишини ташкил этиш режалаштирилган. Ҳўш, бу оромгоҳларда болалар вақтини қандай ўтказмоқда? Ушбу саволга Пайариқ тумани мисолида жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Тумандаги 6-умумтаълим мактабида ташкил этилган “Келажак” кундузги соғломлаштириш оромгоҳида 200 нафар бола 10 кундан уч навбатда ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган. Ҳозирда Фаровон, Алишер Навоий, Тоҳир Шайх, Гўзал ва Мустақиллик маҳаллаларидан 70 нафар 2 ва 3-синф ўқувчилари оромгоҳга қабул қилинган.

Машгулотлар самарадорлигини ошириш мақсадида болаларни ёшига қараб тақсимладик, - дейди мактаб

директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Жасур Менглиев. - Энг кичиклари биринчи навбатда, каттароқлари кейинги навбатларда соғломлаштирилади. Бундан ташқари, бир навбатдаги болалар яна 4 гуруҳга бўлиниб, ҳар бирига раҳбар тайинланган. Умумий жараёнга 20 нафар тажрибали педагог, психолог, ҳамшира ва спорт мураббийлари жалб қилинди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Сув ҳавзаларидаги сайёҳлик йўналишларига қизиқиш ортапти

Яқин-яқингача юртимизга келаётган сайёҳларнинг асосий ташриф манзиллари тарихий шаҳарлар, улуғ қадамжолар ва айрим маданий мерос объектлари бўларди. Балки, шунинг учун асосан ҳаво салқин бўлган баҳор ва куз ойларида сайёҳлик бироз жонланарди.



Ҳозирда бир неча янги сайёҳлик йўналишлари, туризм манзиллари пайдо бўлмоқда. Хусусан, сув ҳавзалари қирғоқларида дам олиш масканлари, кемпинглар ташкил этиляпти. Вилоят туризм ва маданий мерос бошқармаси томонидан Каттакўрғон ва Қоратепа сув омборлари негизда ташкил этилган дам олиш масканларига уюштирилган пресс-турда иштирок этган мутахассислар ҳамда омивий ахборот воситалари вакиллари ушбу масканлар фаолияти билан танишди.



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА 14 ТА МЕҲМОНХОНА, 28 ТА МЕҲМОН УЙИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Бугунги кунда туризми ривожлантиришнинг энг муҳим шарти ташриф буюраётган сайёҳларга барча шароитларни яратишдан иборат, – дейди вилоят туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Нарзиқулов. – Шунинг билан олган ҳолда вилоятимизда сайёҳларнинг талаб ва ис-такларига мос тарзда янги йўналишлар ташкил этилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даври йўналишида нафақат тарихий обидаларни, балки табиат қўйнида хордиқ чиқариш, миллий урф-одат ва анъаналаримиз билан танишиш, миллий таомлардан баҳраманд бўлиш имкониятини яратиш орқали уларнинг саёҳати да-вомийлигини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Каттакўрғон ва Қоратепа сув омборлари ҳудудида ташкил этилаётган пляж зоналарнинг фаолият бошлагани туристлар оқимининг сезиларли ошишини таъминламоқда.

Каттакўрғон сув омбори қирғоқларида ташкил этилган дам олиш масканлари ушбу йўналишдаги истиқболли лойиҳалардан бири. Бу ерда тadbиркорлар томонидан сайёҳларнинг мароқли дам олишлари учун барча шароитлар

яратилган. Чўмилиш ҳавзаси, ошхона ва бошқа зарур хизматлар йўлга қўйилган.

Шу йил май ойида сув омборидан 15 километр узоқликдаги Қозоқовул қишлоғида 30 ўринли "Нуршод" меҳмонхонаси иш бошлади.

– Меҳмонхонанинг умумий лойиҳа қиймати 3 миллиард сўми ташкил қилади, – дейди "Гул-азизам сервис" МЧЖ раҳбари Шамшод Узоқов. – Халқ банкидан 1 миллиард сўм кредит олиб, фаолиятимизни бошлаган эдик. Ҳозирда бир ойда беш юздан ортиқ мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эгамиз. Яқин келажақда сув омборига олиб боровчи йўл таъмирланиши, ушбу йўналишда сайёҳлик маршрути йўлга қўйилиши режалаштирилган. Меҳмонхона туманда ташкил этилиши режалаштирилаётган туризм кластери фаолиятини инobatга олган ҳолда бунёд этилди. Режага мувофиқ, ташриф буюрувчиларга пляж зоналарда хордиқ чиқариш, туманимизнинг тоғли ҳудудларида ташкил этилаётган экотуризм мажмуаларида дам олишни ўз ичига олган тур пакетлар ишлаб чиқилади.

Сув омбори қирғоқларида тadbиркорлар томонидан дам олиш масканлари ташкил қилиниб, бу ерда дам олувчиларга катмаран ва

қайиқда сайр қилиш хизматлари йўлга қўйилган. Туман ҳокимлиги масъулларининг таъкидлашича, ҳудуднинг тасдиқланган режасига мувофиқ, дам олиш масканлари сони ўн бештага етказилади. Ҳар бир дам олиш маскани ўзига хос хизмат турлари билан сайёҳлар эътиборини жалб қилади.

"ОШИН ОНА" ТАЙЁРЛАГАН ТАОМЛАР САЙЁҲЛАРГА МАНЗУР БЎЛАПТИ

Ушбу ҳудудда жойлашган "Ошин она" номида дам олиш маскани пресс-тур иштирокчилари эътиборини тортди.

– Кўпчилик ташқи кўринишим, тинимсиз меҳнат қилишимга қараб, машҳур япон фильми қаҳрамони Ошинга қиёслаб, шундай лақаб қўйишган, – дейди тadbиркор Хайринисо Бобоқулова. – Дам олиш масканимизнинг номи-ни ҳам шундай атадик. Аслида тadbиркорлик фаолиятимни умумий овқатланиш шохобчаси ташкил қилиб бошлаганман. Асосан балиқчи пишириш билан шуғулланамиз. Мўъжаз ошхонамизни юртимизнинг турли бурчакларидан излаб келувчилар бор. Ушбу ҳудудда дам олиш марказлари ташкил қилинишини эшитиб, туман ҳокимлигига таклиф билан чиқдим. Мана, бугун фаолиятимизни бошлаб, бир пайтинг ўзида 60-80 кишига хизмат кўрсатиш имконига эга дам олиш масканини ишга туширдик.

ҚОРАТЕПА СУВ ОмБОРИ – БОРИШ УЧУН ҚУЛАЙ, ТАБИАТ БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Ургут туманининг Қоратепа сув омбори ҳам сайёҳларнинг ана шундай сеvimли манзилларидан бири. "Tourist SKD" МЧЖга қарашли хизмат кўрсатиш ва дам олиш масканида пляж ҳудуди ташкил этилган. Умумий майдони 2 гектарни ташкил этувчи дам олиш масканининг лойиҳа қиймати 17 миллиард сўм. Бу дам олиш маскани Тешиктош табиат бўғими экотуризм объектига ташриф буюрувчилар ҳамда "Самарқанд - Шаҳрисабз" йўналишида саёҳатга чиқувчилар учун қўшимча дам олиш ва хордиқ чиқариш маскани сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Бу маскан сайёҳлар бориши учун қулай ва гўзал табиат билан ҳамоҳанг ҳудудда, тоғлар бағрида жойлашганлиги ҳам хоржий сайёҳлар эътиборини тортади. Дам олувчилар катмаран ва қайиқларда сайр қилиб, табиат гўзаллигидан баҳра олишлари мумкин.

– Бугунги кунгача 3 миллиард сўмлик иш бажарилди, – дейди "Tourist SKD" МЧЖ раҳбари Шерзод Родифов. – Лойиҳа бўйича ҳудудда йигирмага яқин меҳмон уйлари бунёд этилиши белгиланган. Айни пайтгача 9 тасини қуриб битказдик, биноларни пардозлаш, ички таъмирлаш ишлари қолди. Энг муҳим ишларимиздан бири асосий йўлдан дам олиш масканигача бўлган 1,5 километр ички йўлни асфальт қилиш.

Туризмнинг ушбу тармоғида келажақда яна бир қанча истиқболли лойиҳалар кўзда тутилган.

Бир рақам шарҳи

2022 йилнинг тўрт ойида "К-савдо" тизими орқали 2500 та бўш ер майдони кўчма хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш учун сотувга чиқарилди. Бугунгача аукцион савдоларига чиқарилган бўш ер майдонининг 587 таси сотилди.

Бизда – маҳалла, Германияда – коммуна

Самарқандда ўтказилган "Ўзбекистонда маҳалла – демократиянинг асоси ва манбаи" мавзусидаги давра суҳбатида нафақат мамлакатимиз, балки хоризжда, хусусан, Германияда мавжуд бўлган маҳалла тизими, унинг механизмлари ҳақида сўз борди.

коммунадан бошлаган. Коммуналар икки хил солиқни ўзларида олиб қолади, бу – ер солиғи ва ҳудуддаги тadbиркорликдан тушадиган солиқ. Аммо

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, Олий Мажлис Сенати, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамкорлигида ташкил этилган конференцияда вилоят ҳокимлиги вакиллари, Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осие бўйича ваколатхонаси раҳбари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъуллари, фаол маҳалла раислари, ҳоким ёрдмчилари иштирок этди.

– Германиядаги коммуналар ҳақида гапирмоқчиман. Германияда айни пайтда 14 минг маҳалла, яъни коммуна – ўзини-ўзи бошқариш тизими мавжуд, – дейди Германия Бундестаги ходими, ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича референт Кристиан Форнек. – Фуқароларнинг ҳаёти билан

боғлиқ энг кичик масаладан тортиб, ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларгача бу тизимнинг аҳамияти катта. Коммуналар ўзларининг мустақил мактаби, боғча, шифохоналари, чўмилиш ҳавзалари ва бошқа объектларига эга. Маҳаллий доирадаги сайловлар жуда катта эътибор билан ўтади. Чунки ўз маҳалласидаги ривожланишдан фуқаролар манфаатдор. Германияда энг юқори доирадаги сиёсатчи ҳам фаолиятини аввало,

коммуналар зиммасида катта масъулият бўлгани учун бу маблағ етарли эмас. Ушбу давра суҳбати республикамиз бўйлаб давом этаётган "Фаол фуқаролар ҳафталиги" доирасидаги тadbирлардан бири бўлди. Анжуман давомида ташкилотчи идоралар вакиллари ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимизда маҳалла тизимида олиб борилаётган ишлар, ўзгариш ва янгиланганга тўхталди. Гўлрух МЎМИНОВА.



БОЛАЛАРНИНГ ВАҚТИНИ ЎҒИРЛАМАЯПМИЗМИ?

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Оромгоҳ 8:30 дан 12:00 га қадар фаолият кўрсатади. Бу вақт ичида гуруҳларга бўлинган болажонлар "Соғ танда соғлом ақл", "Китобим – офтобим", "Болалигим – пош-шолигим", "Муסיқий психологик амалиёт", "Компьютер саводхонлиги" сингари қизиқарли машғулотларда қатнашади.

– Албатта, болалар ёзги таътилни ўз хоҳишича, имкон қадар мактабдан, ўқиш-чишидан йироқда ўтказишга ҳаракат қилади, – дейди гуруҳ раҳбари Чарос Тоҳирова. – Шу сабабли аввал бошида мактабда ташкил этилган оромгоҳга қизиқувчилар кам бўлди. Аммо бир нечта машғулотдан сўнг барчанинг фикри ўзгарди. Бунда бизнинг аънавий усуллардан воз кечиб, соғломлаштириш тadbирларини болаларнинг қизиқиши, истагига мослаганимиз кўл келмоқда. Бундан нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-онаси ҳам хурсанд.

Навбатдаги манзиллими тумандаги 71-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган "Қалдирғоч" кундузги соғломлаштириш оромгоҳи бўлди. Очиги, бу ерда биз мактаб ҳовлисида турган стол теннисидан бўлак на бир кўрғазмаи восита ва на бирор ашё кўрдик.

Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Феруз Турсунов бизни машғулот ўтказишга таклиф қилди. Хонада 10 нафар бола ўтирибди. Машғулот номи ҳам қизиқ – "Натурал сонларни бўлиш ва қўлайтириш". Дарс эрталаб соат 9:00 да бошланган экан. Биз тушга яқин борганлигимизни инobatга олсак, болалар математика "дарс"ининг ўзида 2 соатдан буюн ўтирган бўлиб чиқаяпти.

Бошқа гуруҳларда вазият яхшироқдир, деб ўйладик. Аммо маъмурият кутубхонада ўтирган 5 нафар, спорт залида ўйнаётган 4 нафар боладан бошқа ҳеч кимни топа олмадик. Ҳолбуки, режага асосан оромгоҳда биринчи навбатда 60 нафар ўқувчи соғломлаштирилиши керак. Ҳолатни Феруз Турсунов куйидагича изоҳлади:

– Ҳаво жуда иссиқ. Шу сабабли болалар эртароқ келиб, эртароқ кетишапти. Машғулотлар вақти ҳам кўчирилган. Ҳўп, машғулотлар эртароқ бошланаётган экан, режа, дастур борми? Машғулотлар

тури, номи қанақа? Қайси ёшдаги болалар жалб қилинган? Бу саволларимиз жавобсиз қолди.

Мақсадимиз қайсидир оромгоҳдаги камчиликларни ошкор қилиб, шов-шув кўтариш эмас. Қошида кундузги оромгоҳ ташкил этилган мактаб жамоалари ҳам ўқув йилини яқинда яқунлаб, хориб-толиб янги вазифага киришди. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин болалар билан ишлашда масъулиятсизлик ҳам кетмайди. "Қалдирғоч"дагилар аниқланган камчиликларни қисқа фурсатда бартараф этиб, номигагина эмас, ҳақиқий машғулотларни, соғломлаштирувчи тadbирларни бошлайди, деган умиддамиз.

Шу ўринда кишини ўйга толдирадиган яна бир нечта масалага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Биринчидан, кундузги оромгоҳлар номига "соғломлаштирувчи" сўзини қўшиб ишлатиш қанчалар тўғри? Одатда, соғломлаштириш деганда кўз олдимизга тоғ бағрида жойлашган со-я-салқин оромгоҳлар, чўмилиш ҳавзалари, спорт мажмуалари келади. Кундузги оромгоҳ-чи? Асосан мактабларда ташкил этилган бу масканларда на чўмилиш, на табиат бағрида сайр қилиш имкони бор. Шуниси ҳам мактабдан зериккан болаларни яна мактабга чақириб, "соғломлаштириб" бўладими?

Оромгоҳларга жалб қилинган ходимлар масаласида. Пайриқандаги ўрганишимиз вақтида масъуллар ходимларга қўшимча ойлик тўланмаслигини, бунинг ўрнига, ишланган кунлари асосий меҳнат таътилига қўшиб берилишини айтишди. Бу меҳнат қонучилигига тўғри келади-ми? Қолаверса, ўзи маънан чарчаган ўқитувчилар болаларни қандай соғломлаштиради? Жараёнда камчилик чиқса, яна балогардон ўқитувчимиз?

Гапнинг индаллосини айтганда, кундузги оромгоҳлар шунчаки, ҳисобот учун хизмат қилаётгандек таассурот қолдирди бизда. Унинг ўрнига болаларни спорт тўғаракларига жалб қилиш, хунарга йўналтириш мақсадга мувофиқ эмасми? Масъуллар масаланинг бу жиҳатларини ҳам ўйлаб кўрса, яқин бўларди. Зеро, болаларнинг вақтини, ўзги таътилда бўлса ҳам, "ўғирлаш"га ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ, Асқар БАРОТОВ, "Зарафшон" мухбирлари.

Президент топшириғига қўра

64 та кичик sanoat зонаси ташкил этилади

Жорий йилнинг 26 май кунини давлатимиз раҳбари sanoat зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ масалаларга бағишланган йиғилишда жорий йилнинг ўзида 2 мингта лойиҳани амалга ошириш, 110 мингта янги иш ўрни яратиш ва 1 миллиард доллар қўшимча экспортни таъминлаш учун имкониятлар борлигига тўхталди.

Ўтган беш йилда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик sanoat зонаси ташкил этилиб, уларда 10 триллион сўмлик мингдан ортиқ лойиҳа ишга туширилган ва 100 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, йилга қўшимча 45 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарила бошлангани билдирилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўтган беш йилда ҳар бир туманга sanoat кириб борди, олис ва чекка ҳудудларда янги ишлаб чиқаришлар пайдо бўлмоқда. Вилоятимизнинг Нарпай тумани Тепа маҳалласида ташкил қилинган кичик sanoat зонасидаги "OSIYO MAROQAND" масъулияти чекланган жамияти томонидан паррандачилик хўжаликлари учун соатига беш тоннагача тайёр омухта ем ишлаб чиқариш ускунаси олиб келиш мuddати кечикканди. Давлатимиз раҳбари белгиланган лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилмаётганлигига эътибор қаратди. Бугунги кунда ускуналар жамланмаси тўлиқ олиб келиниб, монтаж ишлари олиб боришмоқда. Жорий йилнинг июль ойида корхона тўлиқ қувватда ишга туширилиб, ойига 125 тонна, 625 миллион сўмлик омухта ем ишлаб чиқарилиб, 25 та янги иш ўрни яратилади. Вилоятимизда ҳозиргача 26 та кичик sanoat

зонаси ташкил этилган бўлса, Ургут ва Тойлоқ туманларида бундай ишлаб чиқариш майдонлари йўқ эди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида жорий йил вилоятимизда қўшимча 64 та янги кичик sanoat зонаси ташкил этиш белгиланди.

Ҳозиргача 26 та кичик sanoat зонасида 5228 иш ўрнига мўлжалланган, қиймати 100,8 миллион долларлик 208 та лойиҳа жойлаштирилган. Кичик sanoat зоналарига 330,7 гектар, шундан, 42,6 гектар ер майдонида коммуникация тармоқлари, 26,4 гектарда муҳофаза зонаси, 81,1 гектарда инвестиция лойиҳалари жойлаштирилди.

Бундай ишлаб чиқариш майдонларида 51,8 миллион долларлик 96 та лойиҳа ишга туширилди, 2040 та янги иш ўрни яратилди. Яқингача хориздан импорт қилинаётган маҳсулотлар бугун кичик sanoat зоналарида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиб, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларига экспорт қилинмоқда. Мисол учун, 2021 йилда 100 га яқин турдаги (енгил sanoat, электротехника, машинасозлик, кимё sanoati, озиқ-овқат, чарм-пойабзал, фармацевтика, қурилиш материаллари) 84,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 8,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт

қилинди. Яна 49 миллион долларлик 112 та лойиҳа амалга оширилиши ҳамда 3188 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Жорий йилда 64 та янги кичик sanoat зонасида қиймати 111,3 миллион АҚШ доллари бўлган 742 та лойиҳани жойлаштириш натижасида 978,1 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, қарийб 9 мингта янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, вилоятимизда 5 та ихтисослаштирилган кичик sanoat зоналари ташкил этилди. Жумладан, Самарқанд ва Ургут туманларида чарм-пойабзал, Пахтачи ва Нуробод туманларида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Паст Дарғом туманида мебелсозлик соҳасида кичик sanoat зоналари фаолият юритмоқда.

Мавжуд кичик sanoat зоналарида инфра-тузилма тармоқларини яхшилаш учун 14,7 миллиард сўм маблағ (шундан, 6,1 миллиард сўм электр энергияси, 3,4 миллиард сўм йўл, 2 миллиард сўм газ, 1,3 миллиард сўм ичимлик суви ва оқова сув тармоғини тортиш учун) талаб этилади. Янги ташкил этиладиган кичик sanoat зоналарида инфратузилма тармоқлари яратилиш учун 182,2 миллиард сўм маблағ талаб этилади.

Президентимизнинг топшириқлари асосида бу муаммоларга қисқа мuddатда ечим топиш ва лойиҳаларни амалиётга жорий этиш масаласини кўряпмиз.

Анвар ЮСУПОВ, вилоят кичик sanoat зоналари дирекцияси директори.

Шундай касаллик бор — биз учун фожиа, оғир дард, ривожланган жамиятларда эса бу касаллик ҳисобланмайди, ҳатто бу дардга учраган одамга беморлик таътили ҳам берилмайди. Улар ҳамма жойда ишлайди, ҳамма каби дўстлари бор, жамиятда ўзини эркин ва бахтли ҳис этади. Бизда эса улар бошқалардан қочади, ўзини бегона деб билади...

Тиббий маданият етишмаслиги, соҳага оид билимлар йўқлиги сабабли айримлар уларга бутунлай бошқа касаллик — мохов номини ҳам тақашади. Ва, улар яшаган жойлар баъзан "моховхона" дейилмоқда. Қолбуки, бу касаллик номи витилиго (пес) бўлиб, аслида аксарият давлатларда касаллик эмас, теридаги кичик косметологик камчилик, деб баҳоланади, ҳеч қачон бировдан бировга юкмайди ҳам.

Яқинда Самарқанддаги, халқ орасида "моховхона" деб юритиладиган ҳудуд ҳақида хабарлар чиққач, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, соҳа бўйича катта тажрибага эга олим Эгамберди Эшбоев тахририятимизга кўнгирак қилиб, айна шу масала юзасидан ўзининг фикрларини билдирди.

Профессор Эгамберди Эшбоев 300 дан ортиқ илмий мақолалар, шу жумладан, бир қанча дарсликлар, "Тери ва таносил касалликлари", "Микробиология, вирусология, иммунология", "Микробиологиядан амалий машғулотлар" ҳамда "Урогенитал этиологияли реактив артритлар", "Урогенитал хламидиоз", "Улар энди борса-келмаса юборилмайди" каби монографиялар ва қатор кўндалмақал муаллифи.

Бош леполог сифатида Ҳиндистон, Непал, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Туркия каби чет давлатларда лепологиянинг долзарб муаммоларига бағиш-

ЮРТИМИЗДА МОХОВХОНА ЙЎҚ



ланган маърузалари билан чиқишлар қилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперти. Олим айна масала юзасидан кўйидагича сўз бошлайди:

– Биринчидан, Самарқандда мана 50 йилдирки, ҳеч қандай мохов касали йўқ, - дейди Э.Эшбоев. – Иккинчидан, қачондир топишган тақдирда ҳам ҳозирги тиббиёт олдида бу касаллик бедаво эмас. Учунчидан, витилиго – бу мохов ҳам эмас. Самарқандда айримлар томонидан "моховхона" деб юритиладиган ҳудудда нафақат бугун, ўтмишда ҳам мохов касалига чалинганлар бўлмаган. Оддийгина тери дефекти – витилигога учраганлар яшган, холос.

Мен ўттиз йилдан буён мохов (лепра) касалликларини аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва профилактикаси билан шуғулланаман. Ўзбеки-

тондаги ягона лепологман (моховга чалинганларнинг даволочи шифокор). Мохов касаллиги терининг юқумли касаллиги. Узоқ вақт бемор одам билан мулоқотда бўлганда касаллик юқиби қолиш эҳтимоли бор. Сил касаллигига қараганда моховнинг юқиш даражаси 100 баравар паст. Касалликни лепробактериялар кўзгатади.

1895 йилдан бугунга, мана, 100 йилдан зиёд вақт ичида юртимизда бор-йўғи 18 нафар мохов-

га чалинган бемор аниқланган. Буларнинг ҳам асосий қисми бошқа жойлардан кўчиб келган. Одамларнинг бу касалликдан кўрқишининг сабаби, авваллари касалланган беморларни даволайдиган махсус дори-дармон бўлмаган. Шунинг учун беморларни даволашнинг бирдан бир йўли – қадимдан уларни изоляция қилиш бўлган.

Солиштириш учун, XVI-XVIII асрларда Европа давлатларида 2000 дан ортиқ моховхона бўлган. Ўзбекистонда ўтган асрда 2 та моховхона қурилган. Бутун собиқ иттифоқ ҳудуди учун 1931 йилда Самарқанд вилояти Булунғур туманида қурилган. Ҳозирда бу ҳудуд Жиззах вилоятининг Бахмал туманига қарайди. 2006 йилда эса касаллик чиқмагани учун бу моховхона Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бутунлай ёпилган.

Ҳўш, шунча вақтдан бери мохов касаллиги аниқланмаган, улар изоляция қилинадиган жой ҳам аллақачонлар ёпилиб кетган бўлса, нима сабабдан Самарқандда аҳоли ўртасида "моховхона" деб аталадиган жой бор?

– Ўз вақтида собиқ Сиеб ва Темирийўл туманлари ҳудудида оқ доғлари бор, витилиго касалига учраган одамлар шу жойларда йиғилиб қолган, – дея сўзида давом этади Э.Эшбоев.

– Тушунмаган омма авваллари уларни ҳам билмаган, улар изоляция қилинадиган жой ҳам аллақачонлар ёпилиб кетган бўлса, нима сабабдан Самарқандда аҳоли ўртасида "моховхона" деб аталадиган жой бор? – Ушунга қараганда, касалликнинг асосий белгиси оқ доғ тушиши ҳисобланади, оғрмайди ҳам, сезгилар ҳам кетмайди. Лекин халқнинг асосий қисми тиббий маданият пастлиги сабабли ўзини четга олиб юришди.

Республикамизда йилига битта мохов касали аниқланмаган пайтлар ҳам бўлади. 2-3 йилда битта киши мумкин. Биз уларни уйда даволаймиш. Аммо витилиго бутун дунёда жуда кўп, оддий ҳолат бўлиб қолган. Мисол учун, дунё аҳолисининг қарийб 1,5 фоизидида витилиго бор ва у муллақо хавфсиз касаллик, Европада, ҳат-

то Россияда ҳам буни касаллик дейишмайди.

Нима учун мохов билан витилигони ёнма-ён гапирармиш? Моховда ҳам дастлабки белгилардан биттаси танага тушган оқимтир доғ ҳисобланади. Баъзан қизғиш бўлиши мумкин. Витилигода эса оқ доғ тушади. Моховдан нима учун кўрқишган? Сабаби, қадимда, ҳали даво топилмаган вақтларда касаллик бошланиб, 6-8 йил ўтгач, беморнинг танасида турли катталиқдаги тугунлар чиққан. Тугунлар оғрмайди, қичмайди. Мана шу тугунлар беморнинг пешонасида, қошлар, бурун атрофида, лунжи, ияклари, кулоқлари супрасига тошмалар чиқиб кетади. Оқибатда бемор юзи кўрқинчли бўлиб қолади.

Моховда беморларнинг нерв толалари ҳам зарарланади, шунинг ҳисобига қўллари, оёқлари териси оғриқни, иссиқни, босимни, қичишни сезмай қолади. Демак, нерв толаларининг зарарланиши ҳисобига сезги йўқолади. Юзлар қийшади, кўзлар шиллиғи оғриқни сезмайди. Натижада беморнинг афти хунуқлашади. Қўллари акашак бўлиб қолади. Тинимсиз қуйиш, зирапча кириш кабилар оқибатида жароҳатлар кўпайиб кетади... Аммо бунақа ҳолатдаги бемор Ўзбекистонда битта ҳам йўқ, чунки аниқланган захоти даволанади, давоси бор.

Витилиго эса юқорида айтилганидек, жуда оддий ҳолат бўлса-да, оқмас, оғримаса, танага зарари етмаса-да, бизда фожиа сифатида қабул қилинади. Тиббий маданият ривожланган халқларда эътибор ҳам берилмайди. Афсуски, бизда ҳатто терисига оқ доғ тушгани учун ўз жонига қасд қилганлар бор.

Хуллас, бу касалликдаги ягона муаммо халқнинг онги билан боғлиқ. Ҳозир олдимизда турган энг асосий масала, мана шу – витилигонинг фожиа эмаслигини тушунтириш, тиббий маданиятни ошириш, одамларга унинг оддий нарса эканини аниқлаш. Ҳолбуки, дунёда миллионлаб одамларда бу нуқсон бор. Ва, улар жамиятдан ажратилган эмас. Шундай бўлгани ҳолда, Самарқанддек шаҳарда витилигога учраган бир неча одамлар учун бир ҳудудни "моховхона" дейиш ярашмаслигини билдирмоқчиман.

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ ёзиб олди.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT BUCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодийётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auction" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

T/p	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Бино ва иншоотларнинг умумий эгаллаган майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нархи (сўм)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги мuddати
1	Собиқ 41-МТМ бино ва иншоотлари	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Паст Дарғом тумани "Истикбол" МФЙ	0.119	297.99	258 676 900,0	14.07.2022 й.	14.07.2022 й.
2	Бўш турган "Боғизагон" МФЙга қарашли бино	Тойлоқ тумани маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими	Тойлоқ тумани «Боғизагон» МФЙ	0.0124	119.61	152 941 000,0	19.07.2022 й.	19.07.2022 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни "E-IJRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auction.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари яқунлангандан кейин "e-auction.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш: Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли им-

зога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auction.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказилган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган зақалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилгани керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб

хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auction.uz" сайтида махсус логин ва паролларни терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кунли соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта кадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклиф-

ни тасдиқлашни сўралганда бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчилардан бири белгиланган кадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага зайитирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда яқунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқланган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан

кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлган иштирокчиларга зақалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Камол Отатур кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар: 66-233-73-54, 91-537-32-12
Факс: 66-233-73-54

"Facebook"даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳридаги депозитарий "Samarqand vaqt" масъулияти чекланган жамияти ўз устав фондини 352 912 607 (уч юз эллик икки миллион тўққиз юз ўн икки минг олти юз етти) сўмдан 30 054 607 (ўттиз миллион эллик тўрт минг олти юз етти) сўмга камайитирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Кўсарой майдони, 1-"А" уй.

Пайариқ туманидаги "NAFOSAT" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 202699129) ўз устав фондини 70 552 800 (етмиш миллион беш юз эллик икки минг саккиз юз) сўмдан 37 007 900 (ўттиз етти миллион етти минг тўққиз юз) сўмга камайитирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Пайариқ туман Алишер Навоий маҳалласи, Самарқанд кўчаси, 34-уй.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Абдураҳмонов Элёр Жамшидович нотариал идорасида марҳум Эшматов Эшматов Отабек Турсуновичга (2022 йил 11 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат

билан меросхўрларнинг Абдураҳмонов Элёр Жамшидович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Аҳмедова Гулбахор Ибрагимовнага (2019 йил 18 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасида марҳум Раҳматов Давритдин Жумаевичга (2020 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман Давлат хизматлари маркази биносида.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал

идорасида марҳум Наимов Олим Ойбековичга (2021 йил 17 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Иштихон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Валиева Севинчбону Сайидмурод қизи номига берилган UM № 0944103 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Урақов Бехруз Бегали ўғли номига берилган UM № 0499926 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тиббиёт коллежидан 2008 йилда Махмудов Шерзод Тўйғунович номига берилган рўйхат рақами 045, К № 0969827 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 1-ўрта мактабдан 1992 йилда Эрнарзоров

Одилжон Ташпулатович номига берилган А № 207429 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тожикистон очик университетидан

1998 йилда Мусурмонова Гулзода Тойировна номига берилган рўйхат рақами 254, ЭВ № 8345592 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Рашидова Гуландон Облобердиевна номига берилган О`Р-А № 1736402 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Собиқ Гўзалкент туманидаги 53-хунар техника билим юртидан 1991 йилда Сағдиева (ҳозирда Ачилова) Турсунтош Хамидовна номига берилган рўйхат рақами 709, № 054002 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Мардиев Улмас Абдували ўғли номига берилган У № 2520824 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Мардиев Улмас Абдували ўғли номига берилган У № 2520824 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чирчиқ танкич-муҳандис командирлар олий харбий билим юртидан 1995 йилда Халиқов Хаким Хакбердиевич номига берилган рўйхат рақами 324, № 038743 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Бердиев Санжар Абдусаидович номига берилган О`Р-А № 0352408 рақамли ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Аблақулов

маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 9-ўрта мактабдан 1993 йилда Хабибуллаев Абдусамат Асатиллаевич номига берилган № 280867 рақамли тўлиқсиз ўрта таълим тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Ибрагимова Хилола Пулатовна номига берилган О`Р-А № 1756458 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Жалилова Дилнур Кобил қизи номига берилган У № 3700387 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон Финландия педагогика институти хоржий тиллар ва гуманитар фанлар факультети жамоаси рус тилини ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси Умида Хамидова отаси

Одилжон ХАМИДОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

➡ Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига

Уни "Шарқ Пушкини" деб аташарди



Усмон "иши"ни қайта қўриб чиқиш тўғрисида буйруқ олади.

Аммо 1944 йилнинг охирига келибгина шоирнинг ишини қўриб чиқиш учун профессор Боровков, шоир Мақсуд Шайхзода ва ўша пайтдаги "Қизил Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири Сиддиқ Ражабовлардан иборат махсус комиссия тузилади.

Бу маълумотларни ўқиётган, беихтиёр савол туғилади: "халқлар доҳийси"нинг 1940 йил сентябрда маъқулланган хати Ўзбекистон раҳбарияти томонидан 4 йил давомида қўриб чиқиши мантиққа тўғри келадими? Балки бу ерда ҳам шоирни панжара ортига жўнатганларнинг кўринмас қўллари бордир?!

У ВАҚТДА УСМОН ТИРИКЛАР САФИДА ЙЎҚ ЭДИ

Комиссия барча ҳужжатларни узоқ ва ҳар томонлама текширгандан сўнг Усмон Носирни беғуноҳ деб топди ва уни реабилитация қилди. Лекин афсуски, бу вақтга келиб шоир тириклар сафидан йўқ эди...

У 1944 йил 9 мартда вафот этган ва 15 мартда Кемерово вилояти (ҳозирги Первомайское) Сулово қишлоғидаги қабристонда дафн қилинган.

Оз умр кўрса-да, ўзидан жуда бой маънавий мерос қолдирган истеъдодли ўзбек шоири хотираси нафақат ўз она заминда, балки олис Кемеровода ҳам авайлаб сақланмоқда. Бу ерда шоирнинг музейи ташкил қилинган. Усмон Носир ўзидан кичик, аммо бой мерос қолдирди - у халқ қалбида абадий яшаб қолди.

...Россия Федерацияси Кемерово вилоятининг собиқ Сулово Первомайский қишлоғида олис ўзбек диёриндан келган ёш шоир ҳайкали Усмон Носирнинг Ватани жойлашган томонга қараб турибди. Чунки у охири нафасигача шу диёрга қайтишни чин дилдан орзу қилганди...

"УНУТМАЙДИ ВАТАНИМ МЕНИ..."

Жорий йил 10 февраль кунини давлатимиз раҳбари томонидан "Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Ҳужжатга кўра, Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги мамлакатимизда адабиёт ва санъат байрами сифатида кенг нишонланади.

Шоир дафн этилган Кемерово вилоятида Усмон Носир хотирасига бағишланган ёдгорлик ўрнатилиши ва унинг тантанали очилиши маросимини ўтказиш бўйича музокара олиб борилмоқда.

Наманганда Усмон Носир ҳайкали ҳам ўрнатилди. Шоир номи Тошкент ва Наманган шаҳарларидаги кўчаларга берилди.

Эрмамет РУСТАМОВ.

➡ Қишлоқларимиз тарихидан

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурома" асариди Самарқанд тарихи билан боғлиқ кўплаб қимматли маълумотлар мавжуд. Шаҳар қўрғонининг шарқий ҳудудидаги Кониғил, Қора сув, Обираҳмат, Дилқушо боғи, Буданақўриқ, Муғоқ куми, Боғи майдон (Боғизағон), Қулба (Фулба), Сарасиёҳ (Сарсиёб) каби жой номларини санаб ўтган. Работхўжа қўрғонидан бошланиб Самарқанд жанубидан оқиб ўтувчи Дарғом суви ҳақида ҳам маълумот келтирилган. Ургут қўрғони юқорисидаястаниб ётган тоғ тизмасини "Шохдор тоғи" (хўкиз шохига қиёс) деб атайдди. Ургут қўрғони ва Дарғом суви оралигини эса "Шовдор" деб атаган.

ШОВДОР ШОВШАР ЭМАСМИ?

Биз Шовдорни Ургут туманининг Қуйиқишлоқ қишлоғидан ўтган қадимий Шовдор (Шовшар) ариғига нисбат берилмаганидан, деган фикрдамыз. Айни пайтда ўн мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган бу қишлоқ Жартепа, Узунқишлоқ, Ғойибота, Жарқишлоқ ҳамда Бешёғоч қишлоқлари билан чегарадош. Қуйиқишлоқнинг фарб томонидан илгари "Қора мерос" деб номланган ариқ ўтган. Жартепадан Ғойиботагача бўлган баланд қир – увотининг истаган жойини икки метр қовласангиз, эни беш метрлик қора кумли ариқ ўзани чиқади.

Девонайи Ошиқ боболар бир авлод вақиллари бўлган. Қишлоқнинг жанубий-шарқий томонида, Галатепа гузариди ҳам ёнма-ён 150 метр оралик масофада иккита тепалик жойлашган. Тепаликларнинг яқинида уй қўриб, истиқомат қилган (1900 йилда туғилган) Иқбол момонинг айтишича, рўзғор буюмлари – лаган, челақ, сават, гугурт каби буюмлар тез-тез йўқолиб турган. Кўп ўтмай, бу буюмлар ўз жойига қайтган. Қишлоқнинг шарқий қисми "Каттасой бўйи" деб аталган ва қадимий қабристон бўлганлиги айтилади. Бу ҳудуд ҳақида, жумладан, тиббиёт фанлари номзоди Алижон Зоҳидий қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилган.

Бўзи манбаларда Қуйиқишлоқ "Қуйган қишлоқ" деб номлангани ҳам шундандир. Шовшар ариғи жарлигининг шимол томонида девори тақаб солинган, айланаси 800 метрдан зиёд, беш пахсали айлана девор билан ўралган "Равот" қўрғони бўлган. Бу қўрғонни асли Чағизмондан бўлган Каттабек қурдирган, деган тахминлар бор. Қўрғон ичиди ўндан ортиқ оилага мўлжалланган уй-жой, меҳмонхона, масжид ва каттагина сарой бўлган. Шунингдек, сайсхона, молхона, қўй-эчки қўтонлари бўлган. Ҳозирги кунда Равот қўрғони йўқолиб кетган бўлса-да, уни бунёд этган аждодларнинг авлодлари қишлоғимизда яшайди.

Одатда, ариқ ва каналлар кўлдан қавланади. Соилар эса тоғ ва адир сувларидан пайдо бўлади. Бизнингча, Каттасой ҳам Шохдор тоғининг сувлари ҳисобидан пайдо бўлган. Қишлоқдаги қадимий Қийғир ва Тешик тепа қадимий археологик мерос саналади. Ўтган асрнинг 60-йилларида Тешиктепа геологлар томонидан портлатилиб, жамоа хўжалиги экин майдонига қўшиб юборилди. Тешиктепа ўрнида диаметри 1,5 метр, чуқурлиги 12 метрга яқин каттагина қудуққа ўрнатилган пайдо бўлган. Бу ердан металл тангалар топилган эди.

Қишлоқнинг шимолида, Шовшар ариқнинг ўнг қирғоғида жуда қадимий "Эски масжид" тепалики - шаҳидоғ бор. Ривоят қилишларича, қишлоқнинг намозхонлари масжидга кирган пайтда шу элдан чиққан хиёнаткор сотқин ёвга хабар беради. Кейин улар масжид эшигини ёпиб, ўт қўйиб юборади. Қишлоқ ҳам аланга ичиди қолади.

1870 йилларда қишлоқнинг шимолий қисмидаги ерларни суғориш учун Янгиариқдан махсус рўхсатнома орқали қулоқ очилган. Бу темир бетон сув қулоғи – бобомиз Сўбхонқул бобо шарафига "Сўбхонқул-қулоқ" номи билан аталади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзимиз яшаётган Қуйиқишлоқни Шовшар (Шовшар) туманининг бир ҳудуди деб билдик. Қишлоғимиздаги тарихий жойлар, тепаликлар, хусусан, номи ва ўзанини йўқотган ариқлар шундан далолат беради, деб ўйлаймиз. Бу борада тарихчи олимлар, тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бора, биз ўзимизда мавжуд манбалар билан уларга ёрдам беришга тайёрмиз.

Суюнбой ҲУСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси. Элбек ҲУСАНОВ, Ургут туманидаги 17-умумтаълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарбияotchиси.

ШОИР НИМАДА АЙБЛАНГАН?

Ўша даврдаги газеталар, архив ҳужжатларини ўрганган эканман, беихтиёр шундай хулосага келдимки, Усмон Носир ўзининг бетакдор истеъдоди, ташкилотчилик қобилияти билан нафақат адабий доирада, балки жамиятда ҳам жуда тез шухрат қозонган.

Истеъдодли ўзбек шоири, таржимон ва драматург Усмон Носирни ўшанда ҳақиқат ривизида "Шарқ Пушкини", "Ўзбекистон Лермонтови" деб аташган. Ёш истеъдод соҳибининг бу қадар юксак эътироф этилишини унинг шахсиятига катта ҳасад билан қараган маҳаллий амалдорлар ва шоирнинг айрим қаламкаш ҳамкасблари хуш кўрмадилар. 1937 йил охирида бошланган оммавий қатағонлар бу борада уларга жуда қўл келди. Улар ўзларининг фарзали мақсадларига эришиш учун бор маҳоратини ишга солиб, Усмонни хиёнатда, ҳатто террорчиликда айбладди. Ва, улар ўз ёвуз ниятларига эришдилар.

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 5 октябрдаги сайёр мажлисининг айблов ҳукминдан парчада шоир Жиноят кодексининг 60-моддаси 1-қисми билан айблангани ёзилган. Ўзбекистон ССР ёки РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддасига асосан "... Усмон Носир тизимли равишда миллатчилик, аксилинқилобий ташвиқот олиб боради, кўчада совет ҳокимияти ҳақида беҳаё сўзлар билан гапиради". СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр мажлиси Усмон Носирнинг террорчилар билан алоқаси борлигини "аниқлади". Шунингдек, у "Ўзбекистоннинг нуфузли ёзувчи ва шоирларидан бири бўлиб, ёшларни аксилинқилобий миллатчилик руҳида тарбиялаган, ўзбек тилига таржима қилишда рус классиклари асарларини атайлаб бузиб кўрсатган".

Бугунги кунда адабий танқидчилар ўша давр учун энг кенг тарқалган битта вариантда тўхтайдилар: ўз вақтида етказилган "маълумот", албатта, ҳасадгўй ёзувчиларнинг "ижоди". Чунки янги истеъдоднинг юлдузи жуда ёрқин порлаган, бундан эса атрофдаги бахиллар ва ёвузларнинг кўзлари кўр бўлиб қолганди...

18 ЁШИДА У ҲАММАНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРДИ

Усмон Носир 1912 йилда Наманганда туғилган. Кейин Қўқонда яшаган. Бошланғич мактабда, мактаб-интернатда, Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университетиди (ҳозирги СамДУ) ўқиган.

Унинг адабиётдаги илк қадамлари 1929 йилгача бўлган даврни қамраб олади. У ўтган асрнинг 30-йиллари бошларидаёқ ўзбек шеъриятига янги йўналишлар, теварак-атрофдаги оламга қарашлари билан кириб келган шоир сифатида шухрат қозонди.

Усмон Носир илк драматик асари – "Назиржон Халилов" пьесаси билан адабий жоматчилиқни лол қолдирганида эндигина 18 ёшда эди. Орадан бир йил ўтиб, "Зафар", "Ғалаба", "Душман" пьесалари пайдо бўлди,

21 ёшида "Атлас" пьесасини ёзди, бу эса ёш ўзбек драматургиясида катта воқеага айланди.

1932 йилда унинг биринчи шеърий тўплами – "Қуёш билан суҳбат" босилиб чиқди. Сал кейинроқ бир вақтнинг ўзиди иккита китоби – "Сафарбар сатрлар", "Тракторлар мамлақати", 1935 йилда "Юрак", 1936 йилда "Менинг севгим" тўпламлари нашр этилди. Бу китоблар шеърият мухлислари томонидан катта қувонч ва ҳаяжон билан қўйиб олинди. Шоирнинг истеъдоди ҳақида ҳамма жойда баралла гапира бошладилар. Москва газеталари хурсандчилик билан: "Шарқда янги Пушкин пайдо бўлди", деб жар солишди. Усмон Носир асарлари турли тилларга таржима қилина бошладилар.

1937 йил 27 январда республика жамоатчилиги ёш шоир ва драматургнинг 25 йиллигини кенг нишонлади.

Лекин... Минг афсуски, бу ўзбек адабиёти порлоқ юлдузининг сўнгги шоҳиди эди. Орадан олти ой ўтгач, ёзувчилар уюшмасида йиғилиш бўлиб, унда "шоирнинг хулқ-атвори" кўриб чиқилди ва орадан икки кун ўтиб, 1937 йил 13 июлда ёзувчилар сафидан чиқариб юборилган шоир ҳибсга олинди.

"1936-1937 йилларда педагогика билим юртида ўқиганман, Усмон Носир ўша пайтда талабаларнинг энг сеvimли шоири эди, – деб ёзади Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси Шукрулло "Кафансиз кўмилганлар" китобида. – Унинг "Юрак", "Менинг муҳаббатим" китоблари ёшлар томонидан жуда сеvim ўқиларди, улар кўп гап-сўзларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўларди. Бироқ тез орада "Усмон Носирни халқ душмани сифатида айблаб, қамоққа олишди", деган миш-мишлар тарқалди. Мактабда комсомол йиғилиши бўлиб ўтди, унда шоирнинг номи қораланди ва унинг китобларини, кимда бўлса, йўқ қилиш буюрилди..."

ҚАМОҚХОНАДА ҲАМ ШЕЪР ЁЗГАН

Суд ҳукмига кўра, Усмон Носир "халқ душмани" таъғаси билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Унинг олдида Златоуст қамоқхонаси, Владивосток, Магадан ва Мариинск лагерлари бор эди. 1943 йилда у ҳозирги Кемерово вилояти ҳудудида жойлашган Сибир лагерига келди.

1940 йил 20 августда Усмон Носир Магадан қамоқхонасидан туриб, Сталин номига хат юборишга қарор қилди ва унда ўзининг "иши"ни қайта қўриб чиқишни сўради. Унда шоир "халқлар отаси"га зиндонларда бўлган вақтларида ҳам шерий роман, учта пьеса ва бир қанча шеърлар ёзгани ҳақида маълумот берган. Хат охирида у шундай хитоб қилганди: "Мен ҳали ёшман! Мен куч ва илҳомга тўламан! Мен халқ фаровонлиги учун яшашим керак! Мен айбдор эмасман!".

Бу баёнот Иосиф Сталин, Лаврентий Берия томонидан қўриб чиқилди ва улар томонидан маъқулланди. Ўша пайтдаги Ўзбекистон ССР раҳбари Москвадан Носир

Китобсевар, ижодкор ёшлар танловлари

"Беш муҳим ташаббус олимпиадаси" тадбирлари доирасида ўтказилган "Ёш китобхон оила" ҳамда "Мушоира" танловларининг вилоят босқичи якунланди.

"Ёш китобхон оила" танловида биринчи ўринни Нарпай тумани Янги ариқ маҳалласида яшовчи Сўхроб Омонқулов ва Дилроҳ Нейматова оиласи эгаллади. "Мушоира" танловининг 14-19 ёш тоифасида Каттақўрғон туманида яшовчи Гулноза Юсупова, 20-25 ёш тоифасида булунгурлик Санжар Ташбеков, 26-30 ёшли иштирокчилар орасида кўшаротлик Ислон Бобоқулов ғолибликни қўлга киритди. Энди улар танловнинг республика босқичида вилоятимиз шаънини ҳимоя қилади.

Дилноза ҚУРБОНОВА.

МАТБУОТ УЙИ

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

МУАССИС: Самарқанд вилояти ҳокимлиги

Бosh муharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 131 nusxada chop etildi. Buyurtma 395. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Ижарачининг ташвиши

- Домлажон, яхшимисиз? Бир масалада ёрдамингиз керак.
- Қўлимдан келса, бажонидил.
- Билсангиз, шаҳардаги уйимда уч талаба ижарада турарди. Бирам баъмани йигитлар. Ичмайди, чекмайди, хар хафта уйдан совга-саломлар олиб келади.
- Бизда ўқиса керак-да, азаматлар.
- Топдингиз. Шу десангиз, талабалар якуний имтиҳонлардан ўта олмабди. Декан "ўқишдан ҳайдайман", деб нўписа қилаётган экан.
- Ҳўш, мёндан қандай ёрдам керак?
- Сиз домласиз-ку, менга шу болаларнинг ўрнига бошқа ижарачи талабаларни топиб беринг.

Асқар БАРОТОВ.

➡ 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни



Сиз суратда қўриб турган икки таниқли ижодкор матбуотимиз фидойилари, биринчи даражали меҳнат фахрийлари – Меҳнат шухрати – ордени соҳиби Шароф Убайдуллаев (чапда) ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Облоқул Усмонқулов. Гарчи, ёшларида озроқ фарқ бўлса-да, улар олтимиш йилдан зиёд умрини ўзбек миллий журналистикаси ривожига бағишлаган инсонлардир.

Улар 1963 йилда "Зарафшон" газетасида учрашишган. Ш.Убайдуллаев Тошкент давлат университети журналистика факультети талабаси сифатида амалиёт ўтагани келган, Облоқул ака эса тахририятда масъул котиб ўринбосари бўлиб ишлаган.

Ииллар ўтди. Шароф аканинг умри пойтахтдаги ОАВ даргоҳларига боғланди. Облоқул ака ҳам ўша йилдан буён Ўзбекистон радиосининг вилоятдаги муҳбири бўлиб ишлади. Иккала тақдирининг яна бир уйғунлиги шундаки, улар ўшандан буён "Зарафшон" билан алоқани узишгани йўқ: ўқиб туришди, ёзиб туришди, келиб туришди.

Бугун Ш.Убайдуллаев Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари. О.Усмонқулов эса шу жамғарма вилоят бўлимининг фаоли. "Зарафшон"нинг доимий муаллифи.

Газетамизнинг икки фидойи ижодкорига соғлиқ-саломатлик ва аъло кайфият тилаймиз.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

X.ERNAZAROVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda